O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 15 март, № 49 (3594) Сешанба

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасида

***14 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

***Йиғилишни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб борди.***

Кенгаш аъзолари сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркиби тўғрисидаги таклифларини тингладилар ва ушбу масалани парламент қуйи палатаси депутатларининг муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Муваққат регламенти лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Мазкур масалани Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартиби лойиҳасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Сўзга чиққан Қонунчилик палатаси қўмиталари раислари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг, шунингдек, ўтказилиши белгиланган тадбирларнинг 2005 йилга мўлжалланган режалари тўғрисида маълумот бердилар. Йиғилиш қатнашчилари ушбу масалани парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилишни таклиф этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақидаги ахборот ҳам тингланди ва маълумот учун қабул қилинди.

Кенгаш ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.



*«Тўрақўрғон трактор таъмирлаш» ҳиссадорлик жамиятида қишлоқ хўжалик техникалари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда, шунингдек, хориждан келтирилган “Кейс”, “Магнум” тракторлари учун ҳам эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Айни кунларда жамиятнинг қўли гул ишчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган бутловчи қисмлар нафақат Наманган вилояти, балки қўшни вилоятлар қишлоқ хўжалик техникаларига ҳам асқотяпти.*

**СУРАТДА: тажрибали ишчи Олимжон Аҳадов иш устида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СЛОВЕНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Словения Республикаси Президенти Янез Дрновшекнинг таклифига биноан, 2005 йил 15-17 март кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Словения муносабатларини ривожлантириш ва ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро ҳаётга оид муаммоларни муҳокама этадилар.

Музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## Катта Европанинг кичик паҳлавони

Ўзбекистон ва Словения ўртасида муштарак жиҳатлар талайгина.

Абадий илиқ Адриатика денгизи соҳилида жойлашган ушбу мамлакат ҳам худди Ўзбекистон сингари 1991 йили мустақилликка эришган. Ўшанда собиқ Югославия таркибида бўлган мазкур мамлакатда умумхалқ референдуми ўтказилиб, унинг халқи келажак йўлида ўз хоҳиш-иродасини ифода этган эди. Шу тариқа 1991 йил 25 июнь куни мамлакат парламенти «Словения Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Декларацияни қабул қилганидан буён ушбу сана асосий миллий байрам — Словения давлатчилиги куни сифатида нишонланиб келади.

Словенияликлар ҳам кўп асрлар давомида ўз мустақиллигига интилиб яшаган. Худди Ўзбекистон сингари Словения ҳам кўп миллатли ўлка. У ерда хорватлар ҳам, серблар ҳам, венгрлар ҳам, итальянлар ҳам истиқомат қилади. Мамлакатда католиклар, православлар, мусулмон ва протестантлар ўзаро аҳил яшайдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Умуммиллий дастур қандай бажариляпти?

Таълимни юксалтириш — долзарб вазифа. Бу ҳақда куни кеча бўлиб ўтган халқ таълими тизими раҳбар ходимларининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида ҳам алоҳида қайд этилди. Анжуманда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда шу йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан учрашувидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, халқ таълими тизимидаги ечимини кутаётган муаммолар ҳақида халқ таълими вазири Т. Жўраев атрофлича сўз юритди.

Шунингдек, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” ижросини таъминлашда таълим бошқарув идоралари раҳбарларининг ташкилотчилик фаолиятлари, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги маърузалар ҳам тингланди.

Ҳайъат йиғилишида истиқболни белгилаш, молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларини аниқ йўлга солиш, молиявий қонунбузарликларнинг олдини олиш борасидаги масалалар ҳам муҳокама қилиниб, аниқ тадбирлар белгиланди.

Кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши доирасида шунингдек, республикадаги барча туман халқ таълими бўлими мудирлари учун ўқув семинари ташкил этилди.

Анжуманда республика Бош вазири ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов сўзга чиқди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## 19 март — Наврўзолди умумхалқ ҳашари

*Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тамойилларини кучайтириш, Наврўз арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар жойларини ободонлаштириш мақсадида умумхалқ хайрия ҳашарига қизғин тараддуд кўрилмоқда.*



**ТОШКЕНТ**

Шу кунларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида, маҳалла-гузарларида Наврўз — умумхалқ байрамини муносиб ўтказишга ҳозирлик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиққан. Инсоннинг қўли гул, деган нақл, айниқса, айни паллада ён-атрофнинг кўрку чирой очиб бораётганлиги туфайли яна бир бор ўз исботини топаяпти.

Пойтахтимиз Тошкентда миллий тантанамиз кўтаринкилик билан нишонланиши учун кенг кўламда тараддуд кўрилаяпти.

— Байрам шодиёналари Тошкент шаҳридаги деярли барча маданият ва истироҳат боғларида, корхона-ташкилотларда, маҳаллаларда, таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлиб ўтиши кутилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шуҳрат Абдуқодиров. — Хусусан, «Халқлар дўстлиги» саройининг олд майдони, Амир Темур хиёбони, «Сайилгоҳ» кўчаси, Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри олд майдони, «Авиасозлар» маданият саройи, Ғафур Ғулом, Янги Сирғали, Бобур, Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғларида шодиёналар ўтказилади. Сайил қатнашчилари учун дорбозлар, полвонлар ўз иқтидорларини намойиш этадилар. Сайёр ҳайвонот боғи ва хўроз уриштириш каби миллий ўйинлар ташкил этилади. Байрамона безатилган савдо шохобчалари фаолияти ташкиллаштирилиб, Наврўз таомлари тортилади. Тадбирларда юртимизнинг санъат усталари, бадиий жамоалар, эстрада гуруҳлари ва хонандаларининг концерт дастурлари намойиш этилади.

Маълумки, халқимиз азал-азалдан бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатишда бошқаларга намуна бўлиб келган. Бундай саховатпешалик Наврўз кунлари янада шаклланади. Ушбу қутлуғ айёмда кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилади, совғалар улашилади. «Сиҳат-саломатлик йили» дастури асосида бепул тиббий хизмат кўрсатилади. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги барча «Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатларда “Ниҳол” мукофоти совриндорлари иштирокида концерт намойиш этилади. Тадбир давомида бундай муассасалардаги тарбияланувчилар ўртасида спорт мусобақалари уюштирилади ва ғолибларга совғалар топширилади.

Ҳар бир байрам, айниқса, талабалар даврасида ўзгача нишонланишини яхши биламиз. Жумладан, Наврўз тантанаси ҳам. Бу йил ушбу байрам тадбирлари Талабалар шаҳарчасида алоҳида

(Давоми 3-бетда).

## Ҳуқуқ ва бурч кафолати

***Республика Конституциявий судида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш — ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришнинг кафолати» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

Конституциявий суд раиси М. Абдусаломов бошқарган ушбу анжуманда Президентимизнинг 2001 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Унда Бош вазир ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Р. Қосимов, халқ таълими вазири Т. Жўраев, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А. Саидовлар маъруза қилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг Асосий Қонуни илғор конституциявий тажрибаларга таянилган ҳолда ишлаб чиқилган. Халқаро экспертларнинг Конституциямиз мукаммал даражада эканлигини бир неча бор эътироф этишгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Юртбошимизнинг қайд этилган фармойиши эса Конституция моҳиятини кенг омма, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилишда изчил ва самарали механизм барпо этилишининг асоси бўлди. Унга мувофиқ, 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курслари ташкил этилди. Шунингдек, вазирликлар ва ҳокимликлар, идоралар ва нодавлат ташкилотларида фармойиш талабларини бажариш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Мисол учун, Наманган давлат университети қошида Конституцияни ўрганиш маркази ташкил этилган. Унда нафақат талаба-ёшларнинг, балки вилоятдаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг ҳам ҳуқуқий илми оширилмоқда.

Анжуманда Конституциямизнинг аҳамияти ҳақида сўз борар экан, айрим ҳокимликларнинг қабул қилаётган қарорлари ҳуқуқий меъёрларга мос эмаслиги боис бекор қилинаётгани ҳам танқид остига олинди. Шунингдек, Конституциявий суднинг хулосаси билан хўжалик судларининг 346 та қарори ҳақиқий эмас, деб топилгани таъкидланди. Анжуманда сўзга чиққанлар ўз навбатида Конституцияни ташвиқ қилишда газета, журнал, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ҳамда тасвирий тарғибот воситаларидан самарали фойдаланиш айни муддао эканлигини уқтирдилар.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Газ таъминоти яхшиланади

Бу йил Хоразмда қиш қаттиқ келди. Натижада вилоятда газ таъминотида баъзи муаммолар келиб чиқди. Вилоят ҳокимлиги бундай муаммоларнинг ечимини топиш чораларини кўрди. Ҳазорасп туманининг Тошсақа ҳудудида замонавий автоматик газ тақсимлаш станцияси қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу станциянинг қурилишига «Ўзбектрансгаз» акциядорлик компаниясига қарашли «Урганчтрансгаз» корхонаси қурувчилари ва мутахассислари бош-қош бўлдилар. Бу ишда уларга «Ўзбекгазқурилиш», «Жанубгазқурилиш» акциядорлик жамиятлари, «Хоразмгаз» корхонаси ва бошқа корхона-ташкилотлар ходимлари кўмакдош бўлишди.

Бир ярим ойда қуриб битказилган газ станцияси куни кеча ишга туширилди. Янги газ тақсимлаш станцияси ва 11 км. масофага янгидан ётқизилган газ қувурлари тармоғи ҳудуддаги 10 та қишлоқ аҳолисининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш қувватига эга.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг матбуот учун АХБОРОТИ

Тошкент шаҳри — 2005 йил 12 март

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси IV моддага мувофиқ, Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашув доирасида муҳокама ўтказиш учун 2005 йил 24 февралдан 12 мартга қадар Ўзбекистон Республикасида бўлди. Миссияга Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти маслаҳатчиси жаноб Жон Вейкман-Линн раҳбарлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХВЖ миссияси 2004 йилдаги иқтисодий ривожланиш масалалари ва 2005 йил ҳамда ўрта муддатли истиқболга прогнозларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг иқтисодий ислоҳотлар дастурини муҳокама қилди.

Миссия қайд этадики, умуман, 2004 йилги иқтисодий кўрсаткичлар жуда яхши бўлган, ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоиз, олтин-валюта заҳираси 30 фоиз, экспорт 30 фоиз ортгани ҳисобига савдо балансида 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилгани шундан далолат беради. Бу натижаларга ҳукумат ХВЖ Битимлари моддаларининг VIII моддасини имзолагандан сўнг сўмнинг конвертация қилиниши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш жадаллаштирилгани туфайли эришилди.

Миссия Президент Ислом Каримов томонидан 2005 йил январда илгари сурилган иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли дастурни юқори баҳолайди. Мазкур дастур иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кўзда тутади. Ушбу дастурнинг асосий устуворликлари хусусийлаштириш кўламини кенгайтиришдан, хусусий бизнес ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоялаш тизимини яратиш орқали унинг фаоллигини сезиларли даражада оширишдан, банк-молия тизими, уй-жой ва коммунал хўжалигини ислоҳ қилишни давом эттиришдан, шунингдек, солиқ қонунчилиги ва солиқ бошқарувини такомиллаштиришдан иборатдир.

Миссия таъкидлайдики, бу чора-тадбирлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали, шунингдек, тузилмавий ислоҳотларни давом эттириш, жумладан, ширкатларни кескин тугатиш ва уларнинг негизида хусусий фермер хўжаликларини ташкил этиш, жамғариладиган пенсия тизимини амалга киритиш билан бирга Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг ўрта муддатли прогнозларини анча яхшилаш имконини беради.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг яқинда қабул қилинган тижорат банклари ўз корреспондент ҳисоб рақамларидан чекловсиз фойдаланишини, жумладан, нақд пул олишни таъминлаш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Бу нақд пул танқислигига тўлиқ барҳам беради.

Миссия ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш юзасидан қатор тавсиялар берди. Жумладан, миссия ҳали мулкида давлат улуши мавжуд бўлган банкларни хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоғини, ички ва ташқи савдони янада эркинлаштиришни тавсия этди. Бу тавсиялар иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳукумат томонидан жиддий ўрганиб чиқилади.

Миссия самимий ҳамкорлик, самарали ва очиқ мулоқот учун ҳукумат органларига миннатдорлик билдирди.

# Катта Европанинг кичик паҳлавони

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасида фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд, албатта. Словения — мўъжазгина мамлакат бўлиб, унда икки миллиондан сал зиёдроқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуди эса йигирма минг квадрат километрдан бир оз кўпроқ.

Ўзбекистон ва Словения ҳамкорлиги тарихи энди очилаётир. Мамлакатимизда "Файз-Явор" қўшма корхонаси (мактаб мебеллари ишлаб чиқариш) ҳамда "Интертек" Словения хусусий корхонаси (савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш) фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги икки томонлама савдо-сотиқ ҳажми қарийб тўққиз миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Дарҳақиқат, бу кўрсаткич икки мамлакат имкониятлари даражасида эмас. Словениядан бизга дори-дармонлар, электр ускуналари, каучук, резина маҳсулотлари келтирилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида эса "ЛЕК" фирмаси ҳамда "КРКА" фармацевтика заводининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Жорий йил феврал ойида Словения ташқи ишлар вазири, ЕХҲТнинг амалдаги раиси Д.Рупелнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида унга мамлакат ишбилармон доираларининг делегацияси ҳамроҳлик қилди. Словениялик тадбиркорлар "Ўзавтосаноат", "Ўзбекэнерго", "Ўзбектелеком" сингари уюшма ва компанияларда, шунингдек, ўзбекистонлик темирйўлчилар билан музокаралар ўтказишди. Кўпгина соҳаларда ўзаро ҳамкорлик учун қулай имкониятлар мавжуд экани аён бўлди. Мамлакатимиз Президентининг ушбу сафари ана шундай ишончли ва самарали ўзаро ҳамкорликнинг рўёбга чиқишига хизмат қилади. Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташрифи чоғида сайёҳлик, автомобилларда йўловчи ва юк ташиш, банк, суғурталаш соҳаларида ҳамкорлик бўйича бир қатор икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши кутилмоқда.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**"Жаҳон" АА шарҳловчиси.**

*Бугун — Бутунжаҳон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни*

# Муаммолар жойида ҳал этилмоқда

*Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сарчашмаси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Масалан, эрамиздан илгариги XVIII асрда Вавилон подшоҳи сифатсиз товар сотганлик учун жавобгарлик ва нархни белгилаш каби қонунларни жорий этган. XV асрда Австрияда сув аралаштириб ёки ачиб қолган сутни сотган киши ўша сутни ичишга мажбур қилинган. Францияда харидорга палағда тухум сотган кишини ўзининг тухумлари билан уриш ҳуқуқи берилган.*

Ўтган асрнинг 60-йилларида истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун дастлаб Америкада пайдо бўлди. Кейинчалик у бошқа мамлакатларда ҳам қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эса 15 март — "Бутунжаҳон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни" деб эълон қилинди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бизда ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 1996 йили Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган бўлса, бундан икки йил муқаддам Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилди.

— Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бизнинг вилоятимизда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси раиси К. Шодиметов. — Хусусан, ўтган йили истеъмолчилардан жами 480 та ёзма ва оғзаки ариза-шикоят келиб тушди. Улар асосида мониторинг ўтказилиб, кўплаб камчилик ва муаммолар жойида ҳал этилди. Масалан, Янгийўл туманидаги "Ниёзбош" ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Пахта" маҳалласи фуқароларидан газ ҳақи ўз вақтида тўланганлигига қарамасдан, газ босимининг пастлиги тўғрисида шикоят олгандик. Аҳвол жойига бориб ўрганилганда, қоидабузарликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.Натижада мутасадди ташкилотларнинг ёрдамида газ босимини кўпайтиришга эришилди. Оҳангарон шаҳридаги "Сетора" фирмасига қарашли "Давр" дўконида ўтказилган мониторинг натижасида эса сариёғ ва маргаринларнинг истеъмол муддати бир йилдан ошиб кетганлиги учун савдодан олиб қўйилди. Дўкон маъмурияти ўз навбатида жаримага тортилди.

Оққўрғонлик Ш. Орзиқулов эса "Зангиота АТС" ҳиссадорлик жамиятига қарашли автобусларнинг баъзи ҳайдовчилари йўловчилардан пул олиб, чипта бермаётганлиги тўғрисида шикоят билан мурожаат қилганди. Аҳвол вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилганда ҳам, қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ҳиссадорлик жамиятига жарима солинди. Қонунбузилиш ҳолатлари ва қоидабузарликлар бўйича аниқланган маълумотлар вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, солиқ, стандартлаштириш ва метрология бошқармалари, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, прокуратура органларига чора кўриш учун юборилди.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги қарорига кўра, 209 та дўкондаги ош тузи сотишнинг аҳволи ўрганиб чиқилиб, кўпчилик маҳсулотларнинг талабга жавоб бермаслиги, хусусан, 131 та дўконда қонун ва меъёрий ҳужжатларга риоя этиш қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. 120 сотувчи маҳсулотнинг мувофиқлик ва гигиеник сертификатини кўрсата олмади, 34 та ҳолатда товарда йод моддаси умуман йўқлиги, баъзи ош тузларининг сақланиш муддати эса ўтиб кетганлиги маълум бўлди. Шунингдек, айрим маҳсулотларда ишлаб чиқарувчи манзили кўрсатилган ёрлиқлардаги корхонанинг ўзи йўқлиги аён бўлди.

Лекин гап фақат мониторинг ўтказиш, текширишлар орқали истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда эмас. Аввало, фуқаролар тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларни чуқур билишлари, ўзларида истеъмолчилик маданиятини шакллантиришлари зарур. Сабаби — ҳар ким ўз ҳақ-ҳуқуқини қанчалик яхши билса, қонунбузилиш ҳолатлари шунчалик камаяди. Биз ўз фаолиятимизда шунга эришишга ҳаракат қиляпмиз.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



Бугунги кунда мамлакатимиз корхоналарида, хусусан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Самарқанддаги «Нафис» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган чинни маҳсулотлари Европа ва Осиё чиннилари билан бемалол рақобат қилмоқда. Айниқса, «Нафис»нинг қўли гул қизларию мусаввирлари яратган «Узум», «Ургут нақшлари», «Гултож», «Гўри Амир», «Шафтоли гули», «Гулдаста» ва «Нилуфар» сингари сервиз тўпламлари хорижий харидорларга ҳам манзур бўлаётир.

**СУРАТДА: уста Жамила Тошева ва унинг шогирди Гулмира Неъматжонова.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Экинни нобуд қилманг...



*Қишлоқ хўжалигига эътибор йилдан-йилга ортиб бораётгани деҳқонларимизни мамнун этмоқда. Дарҳақиқат, ҳукуматимиз кўрсатаётган ғамхўрлик боис деҳқон мўл ва сара ҳосил олишга эришяпти. Айниқса, ғалла мустақиллигига эришиш борасидаги ютуқ ўзбек деҳқонининг нималарга қодир эканлигини намойиш этди.*

***Қарор ва ижро***

Деҳқончиликдан пича хабардор одам биладики, ҳар доим ҳам миришкорнинг кутгани бўлавермайди. Баъзида ноқулай об-ҳаво, гоҳида вақтида берилмаган ишлов ёки уруғчиликдаги нуқсон унга панд беради.

Аммо айтиш лозимки, жорий йил деҳқонбоп келди. Ўтган йил кузида сепилган буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари вақтида, беками-кўст ундириб олинди. Ҳозирда ўша майсалар ер бағрини қоплаб олган. Бугун хоҳ йўл бўйи, хоҳ кенг майдонда баравж ўсаётган майса — буғдойзорни кўрган кишининг кўзи қувонади.

Минг-минглаб гектар ердаги экинлар авжи мўл ҳосилдан нишонадир. Бироқ дуркун ўсаётган экинларни пайҳон қилмасдан, кўз қорачиғидек асраяпмизми? Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 мартдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида айтилганидек, бу борадаги ишлар қониқарли эмас. Жойлардаги бефарқлик, беғамлик, ўзибўларчилик оқибатида ҳануз молини экинзорларда боқаётганлар учрайди. Бундан ташқари, экинзорларни оёқ ости қилиб, техника ёки турли қурилмаларни буғдойзордан ҳайдаб, экинни нобуд қилаётган нокаслар, афсуски, бор. Ўша кимсалар наҳот бу ҳол ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг исроф бўлишига сабаб бўлишини билишмаса?

Бу йил Тошкент вилоятида 115 минг 500 гектар ер сувли, 14 минг гектар лалми майдонга бошоқли дон экилган бўлиб, майса беками-кўст ундириб олинди. Экинни парваришлашда агротехника қоидаларига амал қилингани боис ғалланинг авжи ёмон эмас. Ана шундай паллада баъзи кимсалар нонкўрлик қилиб, экинзорни пайҳон қилаётганидан афсусланади, киши.

Янгийўл туманининг Ҳ. Турсунқулов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Рўзимуҳаммад Раҳматов икки бош сигирини «Уфқ» фуқаролар йиғинига қарашли буғдойзорга ҳайдаб юборади. Кўр-кўрона қилинган кўрнамаклик оқибатида 0,02 гектар майдондаги экин пайҳон бўлади.

Паркент туманидаги Чотқол қишлоғида яшовчи Канад Ботиров ҳам юқоридаги мисол йўл тутади. 8 бош эчкисини куппа-кундузи экинзорда боқади. Оқибатда ширкат хўжалигининг 0,11 гектар ердаги майсалари пайҳон қилинади.

Юқорида айтилган айбдорларни сўраб-суриштирсангиз, ақлли-ҳушли кишилар. Халқ тилида айтганда гўдак эмас. Ёши элликни қоралаб қолган. Бироқ қилган иши... фаҳмли одамнинг иши эмас.

Албатта, вилоят ички ишлар ходимлари томонидан ушбу қонунбузарликлар бартараф этилди ва туманларда тегишли назорат ўрнатилди.

Шу ўринда «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорда кўрсатилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик кучидан унумли фойдаланиш катта самара беришини таъкидлаш жоиз. Ахир қоидабузар маҳалла аҳли, қишлоқдошлари ўртасида изза қилинса, оёғини ўйлаб босмайдими?

Уй ҳайвонларини экинзорда боқаётганлар бир баҳонани маҳкам ушлаб олишган. Гўё қўй-эчки, сигир, отни боқадиган яйлов йўқ эмиш. Бундай бўлмағур гапга ишониб бўладими? Вилоятда неча минглаб гектар яйлов ястаниб ётганлиги маълум-ку?

Вилоятнинг Бўка, Чиноз, Пскент, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ туманлари экинзорларини пайҳон қилаётган кимсаларга ҳам бир ақидани қайта-қайта таъкидлагимиз келади: наҳотки, бугунги кўк майса эртанги кунимиз ризқи эканлигини ўйламайсиз? Эй барака топгур, пайҳон қилган экинингиз ризқу рўзингиз-ку, уни асло нобуд қилманг!

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЭКОСАН» ҳашарни бошлади

**"ЭКОСАН" халқаро ташкилотида "Сиҳат-саломатлик йили" ва Наврўз умумхалқ байрамига бағишланиб "Экология ва саломатлик кунлари " доирасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда халқаро ташкилот аъзолари, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология маркази, Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва оммавий ахборот воситаларидан вакиллар қатнашишди.**

**Йиғилишда сўзга чиққанлар 1994 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган бу дастур аҳоли яшайдиган жойлар, корхона ва ташкилот ҳудудларининг санитария ҳолатини яхшилаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш учун умумхалқ ҳашарлари ва акциялари уюштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигини алоҳида таъкидлашди. Экологик ҳашардан тушган маблағлар Оролбўйи ва бошқа экологик жиҳатдан ноқулай бўлган минтақалар аҳолисига инсонпарварлик ёрдамларини ташкил этишга сарфланади.**

**Қ.ХИДИРОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

# «Дейли Телеграф» ўзбек кураши ҳақида




***Фахр***

Халқимизнинг миллий қадрияти саналган ўзбек кураши жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда. Яқинда Буюк Британияда чоп этиладиган газеталардан бири — «Дейли Телеграф»нинг якшанба куни чиқадиган «Сандей Телеграф» иловаси ўзининг бир саҳифасини Бирлашган Қироллик пойтахтида кураш бўйича бешинчи бор ўтказилган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов халқаро турнирига бағишлади.

Газета мухбири Жеймс Флинт халқаро турнир тарихи, унинг Англия ёшлари ҳаётида тутган ўрнига алоҳида тўхталади. Эслатиб ўтамиз: халқаро турнир 2000 йилда Буюк Британия Кураш ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган. Газета мухбири бешинчи бор ўтказилаётган халқаро турнир иштирокчилари сони минг нафар атрофида бўлганлигини таъкидлайди.

«...Ўзбек курашида оғриқ қўлловчи усуллардан фойдаланилмайди. Қизиқарлилиги, ҳалоллиги билан бошқа спорт турларидан ажралиб туради. У билан нафақат эркаклар, балки аёллар, кексалар, болалар ҳам шуғулланиши мумкин. Бу ерда асосий масала куч ишлатиш эмас, балки ақл билан усулларни қўллай олишдир. Буни мен шахматга ўхшатаман. Ўзбек курашида ҳам бир-икки олдинги усулларни қўллашни билган полвон ғалаба қозонади. Демак, кураш инсонни ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан тарбиялайди...», — деб ёзади мақола муаллифи.

Шунингдек, газета юнон олими Герадотнинг «Тарих» китобида кураш ҳақида билдирилган фикрларга тўхталади. Соҳибқирон Амир Темурнинг аскарлари ҳам ўзбек кураши билан мунтазам шуғулланганлигини айтиб ўтади.

Мақола сўнггида муаллиф анъанавий халқаро турнир Қироллик ёшларига маъқул бўлганлигини, ўзбек курашининг келажакда нуфузи янада юқори бўлишини таъкидлайди.

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабари

Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талабларини бузаётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 17- ва 53-моддалари ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, «Бизнесбанк» хусусий акциядорлик-тижорат банкидан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олди.

***Марказий банк Матбуот маркази.***

# Қорақалпоқ қоракўли



Саховатли қорақалпоқ заминида, кўпчилик билса керак, минтақамизнинг бошқа жойларида умуман учрамайдиган ноёб қоракўл териси етиштирилади. Офтобда дур, гавҳар, ақиқ ва фирузадек товланадиган бу беқиёс хомашёнинг сир-асрори неча йиллардан буён соҳа мутахассислари, тармоқ олимларини қизиқтириб келади. Не-не зукко олимлар бу борада йиллаб бош қотирдилар, лаборатория шароитида мингдан бир синоатларни ишга солиб кўрдилар. Аммо барча уринишлар зое кетди. Пировардида қорақалпоқ қоракўлининг энг ноёб турлари Қизилқумнинг Оқдигир, Чуқурқоқ, Кампиртепа, Нисон ва Саримой каби яйловларидагина етиштирилиши, асосий гап бу чўлларнинг гиёҳи ва шу ерлик чўпонларнинг асрлардан асрларга, наслардан насларга ўтиб келаётган тажрибасида эканлиги маълум бўлди.

Оддий шарт-шароитларда эмас, Самарқанд қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида олиб борилган изланишлар орқали шундай хулосага келинди. Тўрткўл туманидаги «Қизилқум» ширкат хўжалиги таянч жамоа сифатида танланиб, бу ерда бир неча йил давомида ибратли ишлар амалга оширилди. Пировардида 2002 йили оламга машҳур қорақалпоқ сур терисига Ўзбекистон Республикасининг давлат патент гувоҳномаси берилди. Айни кунларда ана шу бойликни кўпайтириш, мустақиллик манфаатларига йўналтириш юзасидан изчил тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

Қорақалпоқ қоркўлчилигининг кечаги куни оғир тушга ўхшайди. Зеро, шўролар салтанати ўз эҳтиёжлари учун чекка ўлкаларнинг «илигини қоқиб олиш»ни одатга айлантирган эди. 1955 йили Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги қўй-эчкилар сони 358200 бошни, 1963 йили 339000 бошни ташкил этган бўлса, 1983 йили қорақалпоғистонлик қўйчивонларнинг 165 минг дона аъло сифатли қоракўл териси, 1695 тонна жуни марказга ташиб кетилди. Эвазига ширин алдовлар ва кўплаб зарарли СЖК препаратлари «тортиқ» қилинди. СЖК орқали вужудга келтирилган «оғир мерос» мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ҳам ўз асоратларини кўрсатди. Мисол учун, 1993 йил 1 январь ҳолатига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган хўжаликларида жами 293357 бош қўй-эчки бор эди. Ўша йилнинг 10-11 ноябрь кунлари қаттиқ совуқ тушиб, барча яйловлар тарашадек қотиб қолди. Бу ҳол деярли 5 ой давом этди. Айрим хўжаликлар ўз қўй-эчкиларининг чорак, айримлари учдан бир қисмидан ажралиб қолди, натижада жуда катта миқдорда иқтисодий зиён кўрилди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» акциядорлик бирлашмаси хўжаликларида, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра 148233 бош қўй-эчки, шу жумладан, 69200 бош совлиқ зооветеринария талаблари асосида боқилмоқда. 2004 йили жами 67497 бош қўзи олиниб, уларнинг 65 фоизи ўстиришга қолдирилди. Қўй-эчкилар сони 2003 йилга нисбатан 6073 бошга кўпайди. Айни чоғда совлиқлар 149 бошга, йилқилар 142 бошга, туялар 41 бошга камайиб кетди. Давлатга 2003 йилдагига қараганда 6252 та қоракўл тери кам сотилиб, бу борадаги топшириқ атиги 63,6 фоиз бажарилди. Жун сотиш режаси эса 63,3 фоиз уддаланди.

Инсоф билан айтганда, бугун Қорақалпоғистонда қоракўлчилик соҳасининг ўсиш-ўзгариш аломатлари кўзга ташланмоқда. Буни иқтисодий ислоҳотлар борасида пешқадамликни қўлдан бермай келаётган жамоа — Тўрткўл туманидаги «Қизилқум» ширкат хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин. Мазкур ширкат хўжалигида наслдор қўчқорлар етиштириш бўйича катта тажриба мактаби яратилган. Якунланган йилда давлатга топширилган ҳар бир қоракўл териси ўртача 3090 сўмдан сотилгани ана шу тажриба самарасидир. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Тахтакўпир туманидаги «Қўнғироткўл» ширкат хўжалигида атиги 1651 сўмга тўғри келди. Ёки бошқа бир мисол. 2004 йилнинг 9 ойи якунларига кўра, Элликқалъа туманидаги «Бухон-Мерей» ширкат хўжалиги 2 миллион 400 сўм фойда олгани ҳолда, бу кўрсаткич Тахтакўпир туманидаги «Жангадарё» ширкат хўжалигида бори-йўғи 100 минг сўмдан ошмади.

Таассуф билан таъкидлаш керакки, катта миқдорда зиён кўриб ишлашга кўникиш бирлашма хўжаликларининг аксарияти учун одатий ҳолга айланиб бормоқда. Иқтисодий ночор хўжаликлар тўғрисида гап кетганда, биринчи навбатда Қўнғирот туманидаги «Устюрт», Тахтакўпир туманидаги «Мулк» ширкат хўжаликлари тилга олинади. Таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, «Устюрт» ширкат хўжалиги (раиси Б. Муханов)нинг дебиторлик қарзи 55272000 сўмни, кредиторлик қарзи 241576000 сўмни, иш ҳақидан қарзи 25777000 сўмни ташкил этган бўлса, «Мулк» ширкат хўжалиги (раиси Д. Ўринбоев)нинг дебиторлик қарзи 22988000 сўмни, кредиторлик қарзи 198768000 сўмни, иш ҳақидан қарзи 33081000 сўмга етган. Бирлашма бўйича иш ҳақидан қарздорликнинг учдан бир қисми ана шу икки хўжалик чекига тўғри келмоқда. Умуман, Қорақалпоғистон Республикаси «Қоракўл» бирлашмаси (раиси Қ. Матёқубов)нинг кредиторлик қарзи 1345188000 сўм бўлиб, дебиторлик қарзи эса 162606000 сўмдан зиёддир. Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Кейинги йилларда қоракўлчилик хўжаликлари фидойиларининг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш бўйича ўлкада бир қатор тадбирлар амалга оширилганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Кўплаб яйловларда қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятлари яратилгани, пахтачиликдаги ўнгланиш омихта ем таъминотида туб бурилишга йўл очилгани бунга мисол бўла олади. Бироқ қорақалпоқ қоракўлининг шуҳратини тиклаш, тармоқни рентабелли соҳага айлантириш, ноёб қоракўлнинг жаҳон бозоридан ўз ўрнини таъминлашига эришиш, хомашё эмас, тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш хусусида ҳозирнинг ўзида жиддий ўйлаб кўришнинг пайти келди. Шундай қилинмаса тармоқдаги умумий аҳволни тубдан яхшилаш борасидаги яхши ният, қоракўлчиликнинг эртанги кунига мўлжалланган режалар яна ярим йўлда қолиб кетаверади.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

# Умри боқий сўз



Ойбекнинг "Қуёш қўшиғи" сарлавҳали манзумасида шундай мисралар бор:

***Қуёш, нуринг***
***тўкабер мўл-кўл!***
***Баҳор, кетма бизнинг***
***бошлардан.***
***Юртимизда қолмасин***
***дашт-чўл,***
***Чаман кулсин***
***ҳатто тошлардан!***

Ватанни чаманзор этиш орзуси Ойбек дил туғёнининг баланд пардаси, шеърий ижодининг чўққисидир. Унинг "Наъматак" шеъри бундан деярли етмиш йил аввал, 1936 йилда Чимёнда ёзилган. Ўша йили бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари бир тадбирга сафарбар этилиб, ёз бўйи Чимёнда ижод қилган эдилар. Ўшанда Пушкиннинг "Евгений Онегин" шеърий романини Ойбек ўзбек тилига ўгирганди.

Кузнинг салқин шамоллари эса бошлаган пайт эди. Жисмонан чарчаган, кўзлари толган Ойбек бир қучоқ қўлёзмани бағрига босганча, гулхан атрофида ўтирган дўстлари: Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носирлар ҳузурига келиб, ҳорғин кафтларини гулхан оловининг тафтига тутди-да, ўзига хос камтарона жилмайди...

Ўша куни кечгача гулхан атрофида гурунг қизигандан-қизиди, таржималар ўқилди, кейин Ғафур Ғулом дуторни қўлига олиб, "Тошкент тановари"ни черта бошлади.

Ойбек билан Ғафур Ғулом бир-бирларига яқин бўлганлар. Улар бир-бирлари билан сенсирашиб сўзлашар, гўё ака-укадек эдилар. Ойбекнинг ўз касбдошлари, дўстлари ва шогирдларига меҳрибонлиги, адабиётимизнинг ёш авлодларига кўрсатган ёрдамлари ҳақида устозни кўрганлар, унинг ўгитларидан баҳраманд бўлганлар мароқ билан сўзлайдилар.

...Кечагидай ёдимда. Мен радиода диктор бўлиб ишлаш билан бир вақтда газетада адабий котиблик вазифасини бажарардим. Бир куни ишга ботиб ўтирсам, мени телефонда Ойбек сўраётганини айтишди. Бу кутилмаган йўқловдан ҳаяжонланиб, телефон гўшагини қулоғимга тутдим.

— Ҳамиджон, Ёзувчилар союзига бир келиб кетинг!

Ҳамма ишимни йиғиштириб, устоз ҳузурларига бордим.

Ойбек қалин қўлёзмани ўқиб, ёлғиз ўтирарди.

Салом-аликдан кейин у мендан:

— Парда Турсунни танийсизми? — деб сўради.

— Танийман, — деб жавоб бердим кутилмаган саволдан анча эсанкираб. — Тинчликми?

Алғов-далғов замон боис менинг обдон эсанкираб қолганимни кўрган Ойбек мийиғида жилмайди-да:

— Тинчлик, — деди. — Парда Турсун қишлоқ муаллими ҳақида роман ёзибди. Мана. Қўлёзмани варақлаб чиқдим. Бир нусхасини Комил Ёқубовга бердим.

Мен устознинг ишончидан мамнун бўлиб, қўлёзмани олиб кетдим ва бошқа ишларимни орқага суриб, икки-уч кун ичида эътибор билан ўқиб чиқдим. Адибнинг биринчи йирик насрий асари, ўзи, яъни кечаги қишлоқ муаллимининг бошидан кечирган машаққатли ҳаёт, оғир меҳнати, изланишлари ҳаққоний тасвирланган. Асар бадиий жиҳатдан мукаммал бўлмаса-да, аммо ўқишли, таъсирли, ҳаётий эди.

Ойбек билан ваъдалашилган вақтда уюшмага яна келдим. Комил Ёқубов бетоб бўлиб, маслаҳатга кела олмабди. Аксига олиб, Парда Турсун ҳам бетоб экан. Хуллас, Ойбек билан иккаламиз суҳбатлашдик.

Мен қўлёзма устида ишни давом эттириш кераклигини, асар тили устида анча ишлаш зарурлигини, умуман, қўлёзма таҳрирга муҳтожлигини айтдим.

Ойбек бироз ўйланиб турди-да, йирик қора кўзлари чақнаб:

— Ёзувчига ёрдам беришингиз керак, — деди қатъият билан. — Дурдоналар кўкдан тушмайди, уларга ерда усталар сайқал берадилар. Парда Турсунга кўмаклашишимиз керак. Қўлёзмага сиз муҳаррир бўласиз!

Ойбекнинг қарори қатъий бўлди. Унинг бир оғиз сўзи билан Парда Турсун асарининг тақдири ижобий ҳал этилди. Нашриёт ҳам Ойбекнинг фикрини эътиборга олди. Натижада ўзбек адабиётида қишлоқ зиёлиси, ўқитувчи ҳақида янги асар китобхонларга тақдим этилди.

Ойбек каби одамларни халқимиз "меҳри дарё" деб улуғлайди.

Унинг фазилатларидан бири камтарлик эди. Биров уни мақтаса, жилмайиб қўя қоларди.

Шахсга сиғинишнинг изтироблари адибга руҳан оғир таъсир қилди, унинг тили фалаж бўлиб, дудуқланиб қолди. Лекин иродаси букилмади, ёзувчилик, олимлик ишини давом эттирди.

Ёзнинг жазирама кунларидан бирида мен Ойбекни кўриш учун унинг боғига бордим. У Олимлар шаҳарчасидаги қатор боғларнинг бирида, академик Ҳабиб Абдуллаевга қўшни бўлиб яшарди. Бир қаватли эшик қўнғироғи тугмасини босдим. Сал ўтмай, эшик очилди. Одми чит кўйлакда, бошига дурра ўраган Зарифа опамиз кўринди.

— Келинг, келинг! — илтифот қилди у. — Домла уйдалар.

Ҳовли-боққа кирдим. Дафъатан кўзимга шохлари деярли ергача эгилиб, ғарқ пишган луччак шафтоли кўринди.

Ҳовли этагидаги бир қаватли баландгина уй эшиги очилиб, узун оқ кўйлакда, оёғида енгилгина шиппак билан Ойбек чиқиб келди-да, йирик кўзлари чақнаб, қўлларини кенг ёзиб, мени бағрига олди:

— Заб келдингиз, зерикиб ўтирувдим!

Ойбек луччак шафтоли шохларига яқинлашиб, қипқизил хушбўй мевалардан уч-тўрттасини узиб, менга узатди:

— Олинг, енг, йўлдан чанқаб келгансиз!

Дарахтлар тагидаги курсиларда ёнма-ён ўтириб, суҳбатлашдик. Мен адибнинг янги асар ёзаётганидан хабардор эканимни айтиб, агар иш ниҳоясига етган бўлса, қўлёзмани олиб кетиб, "Шарқ юлдузи" журналида чоп этиш ниятимизни айтдим. Адиб бироз ўйга толди-да, кейин курсидан туриб, хонасига кириб кетди ва сал ўтмай, қалингина папкани кўтариб чиқди.

— Янги роман ёздим, — деди у яна курсига вазмин ўтириб. — "Улуғ йўл", "Қутлуғ қон"нинг давоми десак ҳам бўлади.

Ойбек билан хайрлашиб, "Шарқ юлдузи" таҳририятига қайтиб келдим. Устоз адибнинг янги асарини Шуҳрат, Ваҳоб Рўзиматов, Ҳайдарали Ниёзов, Лола Тожиева ва журналнинг бошқа адабий ходимлари дарҳол ўқиб чиқдилар ва янги асарни журналда эълон қилдик.

Ойбек таваллудининг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 40 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланиб, ўзбек адабиёти, санъати, фани ва маданиятининг умумхалқ байрамига айланди. Унинг мухлислари оддий биноларга сиғмаслиги назарда тутилиб, юбилей кечаси муҳташам залда ўтказилди. Тантанали йиғилиш чинакам халқ байрамига айланди. Унинг серқирра бадиий ижодига, илмий фаолиятига, жамоат арбоби сифатидаги улкан ишларига юксак баҳо берилди.

Ойбек жавоб сўзи айтиши керак. Лекин у тортган руҳий азоблар, оғир асабий толиқишлар тилини «боғлаган» — дудуқланади, қийналади. Шу сабабдан у ўз сўзини қоғозга тушириб келган.

Юбилей кечасининг раиси охирги сўзни Ойбекка бераркан, у чўнтагидан бир парча қоғоз чиқарди-да, менга узатиб:

— Ўқинг! — деди.

Мен ўша табаррук қоғозни қўлимда ушлаб, минбарга чиқдим.

Мана, устоз Ойбекнинг ўша тарихий юбилей кечасида, яъни 1965 йил 11 сентябрда айтган сўзи:

"Халққа хизмат қилиш катта бахт. Мен қирқ йилдан буён адабиёт майдонида қалам тебратиб келаман. Шу қирқ йил давомида мен ижодимни халқ тақдири билан боғлашга ҳаракат қилдим, халққа фойдали иш қилишга, унинг орзу-умидларини ифодалашга интилдим. Халқнинг қувончлари ва қийинчиликларига ҳамдард бўлдим.

Халқ, унинг тарихи, ҳаёти, унинг куй-қўшиқлари мен учун битмас-туганмас илҳом булоғи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳам. Китобларимнинг мавзуи ва қаҳрамонларини омма орасидан қидирдим, халқнинг жўшқин ҳаётидан топдим. Қирқ йиллик ижодий фаолиятимда ўзимнинг бутун ўй-фикрларим, мулоҳазаларимни, қалбимдаги бутун ҳароратни халққа инъом этишга интилдим. Бадиий ижод мен учун катта масъулиятли ва машаққатли меҳнат бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади..."

Юракдан айтилган бу сўзлар устоз адибнинг самимий дил изҳори эди.

Ойбек асарлари, айниқса, унинг "Навоий" романи дунё халқларининг анчагина тилларига таржима қилиниб, машҳур бўлиб кетди.

Олимлар, адибларнинг бу асарга юксак баҳоларини мен бошқа мамлакатларга борганимда кўпгина турли миллат олимлари ва ёзувчиларидан ҳам эшитганман. Чунончи, бир гал Хитой Халқ Республикасига борганимизда, Пекин университетидаги учрашувда таниқли хитой олими ва таржимони Чжан Цзедан хитой китобхонлари Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонини ва Ойбекнинг "Навоий" романини севиб ўқишларини эътироф этганди.

Ҳа, забардаст алломамиз Ойбекнинг улкан адабий мероси бутун бир аср давомида халқига хизмат қилиб келди ва янги, XXI асрга ҳам бутун бўй-басти билан қадам қўйди.

Зеро, чин сўзнинг умри боқийдир.

**Ҳамид ҒУЛОМ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

*Эркин кураш*



# Жаҳон кубоги Куба полвонларида

12-13 март кунлари Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси эркин кураш бўйича йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири — эркин кураш бўйича жаҳон кубогига мезбонлик қилди.

Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) томонидан мазкур мусобақа мамлакатимизда биринчи бор ўтказилди. Унда дунёда рейтинг бўйича юқори ўринларда турувчи энг кучли эркин курашчилари — Куба, Россия, Украина, АҚШ, Эрон ҳамда Ўзбекистон полвонлари ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

— Ўзбекистонда давлат раҳбари раҳнамолигида спортнинг барча турлари жадаллик билан ривожланмоқда, — дейди халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси президенти Рафаэль Мартинетти. — Жаҳон кубогини ўтказиш учун Ўзбекистондан ташқари, АҚШ, Финляндия ва Дания мамлакатларидан ҳам таклиф тушганди. Экспертларимиз жаҳон кубогини Ўзбекистонда ўтказишни маъқул топишди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки юртингиз полвонларидан Артур Таймазов Афина Олимпиадасида олтин, Магомед Ибрагимов бронза медалларини қўлга киритишган. Қолаверса, спорт мажмуалари ва бошқа шароитлар бемалол мусобақани ўтказиш талабига жавоб беради.Яна бир янгилик. Жаҳон кубоги илк маротаба такомиллаштирилган қонун-қоидалар асосида ўтказилди.

Икки кун давом этган мусобақаларда мамлакатимиз кураш ишқибозлари Олимпиада ўйинлари совриндорлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари ғолиблари ўртасидаги муросасиз курашлар гувоҳи бўлишди. Жаҳон кубоги беллашувларида мамлакатимиз шарафини Адҳам Очилов, Дилшод Мансуров, Дамир Захартдинов, Артур Тавказаков, Сослан Тигиев, Магомед Гаджилавов, Руслан Хинчагов, Заурбек Сохиев ва Мансур Мирзаевлар ҳимоя қилдилар. Жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров жаҳон кубогида янги вазн тоифасида (60 кг.) ўз омадини синаб кўрди. Шунга қарамай, у икки учрашувни ғалаба билан якунлади. Адҳам Очилов уч учрашувни ғалаба билан якунлади. Умидли ёш полвонимиз Мансур Мирзаев (120 кг. вазн тоифасида) бундай нуфузли мусобақада илк бор қатнашди. У сўнгги учрашувда Украинанинг номдор полвони Иван Ишченкони катта устунлик билан енгди. Сослан Тигиев ҳам сўнгги учрашувини ғалаба билан якунлади.

Мусобақада биринчи ўрин ва жаҳон кубогини Куба мамлакати полвонлари қўлга киритди. Иккинчи ўрин Украина, учинчи ўрин эса россиялик курашчиларига насиб этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


"O`zkabel" ОАЖ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КАБЕЛЬ-СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР САРДОРИ. КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА 60 ЙИЛДАН ОРТИҚ ДАВР ИЧИДА ИШЛАБ КЕЛМОҚДА.

Биз сизларни ҳамкорликка чорлаб, ўзаро манфаатли асосда юқори малакали мутахассислар билими ва тажрибаси, корхонанинг салоҳиятидан фойдаланишингизга имкон яратамиз.

КОРХОНАМИЗ КЕНГ КЎЛАМДА:

КМО, КПБП, КГ, КГЭ, ТПП, ТПВ, ТППэп, ПГФ, ПГФМ, ПГФС, ЗКПм, КСПП, СБПУ, РК-75, КВТ, АКВВГ, КВВГ, АКВВКЭ, КВВГЭ, ПВ, АПВ, ВПП, ВПВ, А, АС, М, МГ, МГЭ, ВВГ, АПВГ, АВВГ, АСБ, СБ кучланиши 3 дан ортиқ кВгача, АППБН, ПБНГ, ПУНП, ПРППМ, ППБН, ППС, ПУГНП, ПУН, ТРБН, ПВДПО, Сим ММ, МТ

ВА БОШҚА КАБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

Маҳсулот сертификатланган, сифати аъло, баҳоси рақобатбардош.

«O'zkabel» ОАЖ бизнес бўйича ҳамкорлик қилишга доимо тайёр, ўзаро муносабатларни қадрлайди ва уларнинг келгусида янада мустаҳкамланишига ҳаракат қилади.

Биз сиз билан бирга, сиз учун, сизнинг порлоқ келажагингиз мақсадида меҳнат қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ф. Хўжаев к., 2-уй.
Телефонлар: 162-39-58, 162-93-65, 162-02-36, 162-02-41.
Факс: 162-35-71, E-mail Uzkabel @ mail.ru

304Н/311



ҲАРАКАТ ПЛЮС

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситувчи қозонлар

ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., «Кангли» к., 16-«А» уй.
Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru

КАФОЛАТ 2 йил.

Маҳсулот сертификатланган.



TURON BANK

«Туронбанк»

сўм пластик карточкалари сиз учун!

- «Туронбанк» сўм пластик карточкалари — бу сизнинг электрон ҳамёнингиздир.
- Республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга оширишингиз мумкин.
- «Туронбанк» сўм пластик карточкасига йиллик 20% устама даромад ҳисобланади. Ҳар ойда капитализация қилинишини ҳисобга олганда, даромад йилига 22% ни ташкил этади.
- Иш ҳақи, нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктирмай, белгиланган тартибда пластик карточка ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин.
- Пластик карточка орқали барча тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.
- «Туронбанк» сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.
- «Туронбанк» сўм пластик карточкангиздаги маълумотлар сир сақланишига кафолат беради.


*Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграциялари агентлиги томонидан Эвсан Мехмет Салих номига берилган «Меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси» йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*


ИСПАНИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

ШАКАР ЎРНИНИ БОСУВЧИ МОДДАЛАР

(таркиби аспартам, сахариндан иборат), ширинлик коэффициенти 160-200 бўлган маҳсулотлар Тошкентдаги омборхонадан сотилади.

Тўловлар исталган шаклда амалга оширилади.

Нархлар 7500 сўмдан 1 кг. учун.

Телефонлар: 173-53-57, 173-97-53.
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, «Қатортол» к., 60-уй.

Маҳсулот сертификатланган.



Организация реализует со склада в Ташкенте:

КАБЕЛЬ

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП и т. д.)

(ААШВ, (АСБл)-10 от 3 х 95 до 3 х 240)

ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ (Ячейки, трансформаторные подстанции, дизель-генераторы)

СВЕТИЛЬНИКИ (ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т. д.)

ЛАМПЫ

Производство сертифицировано по ISO 9001:2000

- Люминисцентные (ЛД, ЛБ)
- Ультрафиолетовые люминисцентные (ЛУФ)
- Цветные люминисцентные (ЛЗ)
- Натриевые лампы высокого давления (ДНАТ)
- Ртутные высокого давления (ДРЛ)
- Металлогалогенные (ДРИ)
- Лампы накаливания общего применения (ЛОН)
- Стартеры 80-220-1

700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29 д.
Дом быта "Узбекистан", 5-й этаж.
Т/ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

Возможны контрактные поставки из ближнего и дальнего зарубежья по вашему заказу.



"ЎЗБЕКНЕФТГАЗ" миллий холдинг компаниясига қарашли

"ЎЗТРАНСГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

НК-12СТ двигателини сотиб олиш учун 2/05-сонли тендерни эълон қилади.

*Тендерда иштирок этиш учун таклифлар газетада эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.*

Мазкур тендер юзасидан маълумотларни қуйидаги манзил бўйича "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясидан олиш мумкин:

700031, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31 «А»-уй. Тел.: 139-18-20, 139-14-26, факс: 139-89-45 Uptoikuzg@mail.ru ва Uptoikuzg@hotbox.ru

275Н/433


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Анвар Саъдуллаевга онаси

**Мамлакатхон ая САЪДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва республика радиоси жамоалари узоқ йиллар мобайнида Жиззах вилояти бўйича мухбир бўлиб ишлаган, меҳнат фахрийси

**Абдулла РАЙИМЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирлик ҳузуридаги Солиқ-бюджет сиёсати маркази директори Ҳуррам Тешабоевга падари бузруквори

**Фаттоҳ ТЕШАБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат техника университети жамоаси механика факультетининг «Автоматлаштирилган дастгоҳлар тизимлари ва комплекслари» кафедраси мудири, профессор Алишер Мамажоновга падари бузруквори, II жаҳон уруши қатнашчиси

**МАМАЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ-бюджет сиёсати маркази жамоаси марказ директори Ҳуррам Тешабоевга падари бузруквори

**Фаттоҳ ТЕШАБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси Мониторинг ва маҳаллий телерадиолар департаменти мутахассиси Вазира Қаландаровага акаси

**Яҳё ҚАЛАНДАРОВнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни —21.30 Топширилди — 22.00

23456